
Синовни биргаликда енгиб ўтамыз!

#антикоронавирус

#маҳалла_фаоллари_тарғиботи

Туманимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари томонидан ҳудудларда аҳолини коронавирус касаллигидан ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида тарғибот тадбирлар ўтказилмоқда.

Кеча, 24 март куни ҳам Ўзбекистон тумани Мингтут маҳалла фуқаролар йиғинида МФЙ ходимлари, саҳоватпеша тадбиркорлар ва ҳудуд профилактика инспекторлари ҳамкорлигида "Эл соғлиги-юрт бойлиги!" "Биз сиз учун хизматдамыз-Сиз биз учун уйда қолинг!" акциялар ўтказилди.





Акция давомида фуқароларга 500 донa ҳимоя ниқоблари бепул тарқатилиб, ҳукуратимиз томонидан коронавирус инфекциясини олдини олиш бўйича кўрилатган қатъий чоралар мазмун-моҳияти, ҳукурат топшириқлари, шифокорлар тавсиялари ҳамда карантин тартиб қоидалари бўйича аҳолига кенг тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бу каби зарурий тарғибот тадбирлари ҳамда эзгу амаллар туманимиздаги бошқа маҳаллаларда ҳам давом этмоқда.

2020-03-25 10:21:31

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати